

## МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Сапарова Гулбахар Айтбаевна

Нукус давлат педагогика институти доценти

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15280491>

**Аннотация.** Мақолада миллий ўзликни англаш масаласи турли фан соҳаси мутахассисларининг анча вақтдан буён қизиқтириб келаётган тадқиқот обьектларидан эканлиги масалалари муҳокама қилинади. Миллий ўзликни англаш жараёнида асосий ўргу миллат билан боғлиқ барча тасаввурлар комплексига берилган бўлиб, у ўз ўрнида муайян миллатга хос бўлган тил, маданият, ўтмии маънавий-маданий мероси, урф-одат, анъаналар ва диний қадриятлар каби категорик тушунчалар тафсифланади. Шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида миллий ўзликни англаш эҳтиёжининг мунтазам ортиб боришида алоҳида ўрин тутади.

**Калим сўзлар:** жамият, маданият, маънавият, санъат, урф-одат, анъана, миллат, миллий ўзликни англаш, қадрият, диний эътиқод.

## САМОСОЗНАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ И НАЦИОНАЛЬНО-РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

**Аннотация.** В статье рассматривается проблема осознания национальной идентичности как один из объектов исследования, который на протяжении длительного времени интересует специалистов различных областей науки. В процессе понимания национальной идентичности основной акцент делается на комплексе всех понятий, связанных с национальностью, который в свою очередь описывает такие категориальные понятия, как язык, культура, прошлое духовное и культурное наследие, обычаи, традиции, религиозные ценности, характерные для той или иной нации. Также в условиях современной глобализации особое место занимает постоянно возрастающая потребность в национальной идентичности.

**Ключевые слова:** общество, культура, духовность, искусство, обычай, традиция, нация, национальная идентичность, ценность, религиозная вера.

## AWARENESS OF NATIONAL IDENTITY AND NATIONAL-RELIGIOUS VALUES

**Abstract.** In the article, the issue of national identity awareness is discussed as one of the objects of research that has been of interest to experts in various fields of science for a long time. In the process of understanding national identity, the main emphasis is given to the complex of

all concepts related to the nation, which in turn describes categorical concepts such as language, culture, past spiritual and cultural heritage, customs, traditions and religious values that are characteristic of a particular nation. It also plays a special role in the constantly increasing need for understanding national identity in today's globalization environment.

**Key words:** society, culture, spirituality, art, custom, tradition, nation, national identity, value, religious belief.

### Кириш

Миллий ўзликни англаш ҳар қандай миллатнинг нафақат ўз тарихи, аждодлар қолдирган моддий ва маънавий меросини билиши ва унга содиқлиги, балки ўз қадр-қимматини билиши ва уни англаши парлоқ келажак томон комил ишонч билан бориши маънавият ва миллий онгнинг ўзаро узвий боғлиқлик ифодасидир.

Миллий ўзликни англаш масаласи турли фан соҳаси мутахассисларининг анча вақтдан буён қизиқтириб келаётган тадқиқот обьектларидандир. Қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчилари бу масала билан шуғулланганлар.

Хусусан Сукрот, Аристотель, Платон, Геродот, Э.Дюрктеим, Декарт, Монтескё, Гоббс, И.Кант, Гегель, З.Фрейд, ва бошқалар инсониятнинг ўзлиги ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Уларнинг асарларида ўзликни англаш масаласи аксариат холда дин билан боғлиқлиги қузатилади. Зоро, қадимги одамларда мистик қарашлар билан инсон ўзлигини, яъни унинг ички (ботиний), ташқи(зоҳирий) тасаввурлари ёнма-ён бўлгандагина бу жараён амалга ошади.

### Тадқиқот методологияси

Аристотел Платоннинг “тоялар дунёси” тоясига қарши чиқади ва табиатни билиш эса унингча, хис қилиш манбаи деб ҳисобланди. Унинг методологиясида ўзликни англаш жараёни эса (фалсафа предметига қўллангани сингари) икки қисмдан иборат деб қаралади.

Биринчиси, хусусий метафизика бўлиб, у Аристотель фикрига кўра, теология бўлиб, у “характсиз субстанцияни”, яъни Худони билиш мақсадини ўз олдига қўяди.

Иккинчиси, умумий метафизика бўлиб, борлиқнинг айрим қисмларини алоҳида ажратиб ўрганадиган хусусий илмлардан фарқли ўлароқ, борлиқнинг нима учун ва қандай мақсадга биноан борлиғини билишга интилиш ташкил этади. [1, 335]

Форобийнинг «Фозил одамлар шахри» асарида одамлардаги психологик бирлик ҳақида фикр юритилади, олимнинг фикрича, бундай бирлик меҳр-оқибат, ўзаро

келишувни шакллантирган уруғ-қабила муносабатларига асосланади. Шу билан бирга бундай бирлик хулқий нормалар ва тил бирлигига таянади. Яна Форобий одамларнинг борлиққа муносабатида ва ўзлигини англашида жамоавийликка бирлашиши зарур деб тушунади. Ҳар бир инсон яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди «...уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади» [2,172]. Форобийнинг халқларни ўзига хос рухий (психологик) бирлик ҳақидаги фикрлари улар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини тушуниб этишга хизмат қилди.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг тили, урф-одати, анъаналари, дини тўғрисида муҳим фикрлар билдирган. Олимнинг фикрича, одамга ташқи оламни, нарса ва ҳодисаларни, шу жумладан ўзи ҳақидаги билимларни идрок этиш учун ақл берилган. Инсоннинг ақлий қобилияtlари, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, хотира оламини янада тиникроқ тасаввур этиш учун инсонга берилган «Тангри тухвасидир». «Ақлий қобилияtlар туфайли инсон ташқи мухитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бирини иккинчисига топшириради, таҳлил қиласи, ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни ноҳақдан ажратади». [3,486]

Абу Али Ибн Сино фалсафа, логика, психология, этика, филология ва ижтимоий сиёсий масалаларга бағишлиланган кўп асарлар яратди. Олимнинг фикрига кўра, барча мавжудотларнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни Тангридир. Вужуди вожиб- бу биринчи моҳият, ядродир. Шунинг учун олим одамлар гурухи ёки алоҳида ягона одамнинг хулк-атвори, ахлоқий фазилатлари, миллий хусусиятлари шаклланишини «вужуди вожиб» Олий Рух билан боғлайди. Шу билан бирга табиий рухни хам эътироф этади. Унингча, табиий қувватлар эса, табиий руҳдан куч олади. [4,119]

Ҳазрат Навоий «Махбуб ул Қулуб» асарида ёзади: «Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур, тили ариғ(нозик) ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур». Ёки «Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда ҳаёй йўқ. Карам(саҳоват) ва муруvvат ота ва онадурлар, вафо ва ҳаёй-икки ҳамзод фарзанд. Ҳар неча ул икковга нур била сафоур, бу икковга иттисол (боғланиш) била пайванд. Комиллар аҳли ҳаёй ва нокислар бехаё»[5,13]. Бу сатрлар чин инсоний фазилат бўлиб, ҳар бир одам ва миллатга хосдир, уларни англаб олиш учун ақлий салоҳиятини ишга солиши, билим олиши ва аждодлар меросига таяниб, ўзлигини англаши орқали миллий хусусиятларини хам ривожлантиришга эришади.

### Таҳлил ва натижалар

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий ўзликни англаш феномени мазмун-моҳиятини очишга бағишлиланган асарлар юзага келди, жумладан, академик Ю.В.Бромлей фикрига кўра, миллий ўзликни англаш деганда “ўзи ҳақида миллатга хос барча тасаввурларининг комил аксида (шу миллатга мансублик ҳам) билиб олинган манфаатлар ҳамда бошқа миллатлар билан муносабатидаги йўл-йўриқ ва қадриятли йўналиш”[6, 31] ни тушуниш керак.

Бундан кўринадики, миллий ўзликни англаш жараёнида асосий ўрғу миллат билан боғлиқ барча тасаввурлар комплексига берилган бўлиб, у ўз ўрнида муайян миллатга хос бўлган тил, маданият, ўтмиш маънавий-маданий мероси, урф-одат, анъаналар ва диний қадриятларни қамраб олади.

Л.М.Дробышеванинг фикрича, миллий ўзликни англаш маънавий маърифат ҳисобланиб, у “ҳам автостереотиплар ҳам ҳудуд, маданият, тил, тарих, ўтмишдан иборат тасаввурларини қамраб олади”, шунингдек “ўз ҳалқининг тарихий ва маданий қадриятларига муносабати, энг муҳими – ҳалқлар фаолиятини рағбатлантирувчи миллий манфаатлари” [7, 31]дир.

Мавжуд таърифда миллий ўзликни англаш феноменини маънавий маърифат деб белгилаб, миллий манфаатларга ўргу берилган. А.К.Уледов миллий ўзликни англаш феноменига янада кенг таъриф беришга ҳаракат қиласи. Унингча, миллий ўзликни англаш “тоя, қарашлар, ҳиссиётлар умумлашмаси билан боғлиқ бўлиб, биринчидан, миллий бирликни ўзи аниқлаши ва иккинчидан, “Ватан” тушунчасини белгиловчи ижтимоий-сиёсий қадриятларни, ҳудуд, маданият, тил, тарих ўтмишдан иборат тамонларини қамраб олади” [8, 318]. Олим бу фикрларни янада давом эттириб юқоридаги таърифлардан фарқли ўлароқ, миллий ўзликни англашни нафақат миллат ҳақидаги комплекс тасаввурлар, миллий манфаатлар, балки бу жараённинг ижтимоий-маданий, иқтисодий фаолият ва ижтимоий-тарихий бирлик деб қарайди.

Глобаллашувнинг миллий маънавиятимизни ичидан ва ташқарисидан емираётган жараён кетаётган бугунги кунда ана шундай фундаментал асарларга эҳтиёж яққол сезилмоқда”. Бундай эҳтиёж, яъни миллий ўзликни англаш ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида давлат сиёсати, инсон манфаатлари асосида ривожланиб такомиллашиб боради. Чунки миллий ўзликни англаш миллат абадийлигини таъминлайдиган омиллардан биридир.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хulosага келиш мумкинки, миллий ўзликни англашнинг қарор топиши ва ривожланишида шуни эътиборга олиш лозимки, бутун инсоният цивилизацияси тарихи-жамият ўзлигини англашнинг қарор топиши тарихидир. Аммо бу жараён муайян даврларга боғлиқ ўзликни анлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан характерланади. Миллий ўзликни англаш кўпқиррали, мураккаб жараёндир.

Айниқса, «миллий ўзликни англаш» тили, дини, миллий руҳияти, урф-одатлари ва қадриятлари асосида муайян ҳудудда яшовчи кишиларга хосдир. Яна шуни ҳисобга олиш лозимки, мазкур тушунчалар жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича аҳамият касб этиши мумкин.

## REFERENCES

1. Аристотель. Сочинения. В 4-х томах. – М.: Мқсль, 1983; Қаххорова Ш. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2009. – Б. 335.
2. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. -Тошкент: А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. -Б.172.
3. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар». 1-жилд. -Тошкент: Фан, 1968. -Б. 486.
4. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисолалар.-Тошкент.: «Фан», 1987.-Б.119.
5. Алишер Навоий. Махбуб ул қулуб. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. -Б.13.
6. Бромлей Ю.В. Национальные процессы в СССР: в поисках новых подходов. - М.: 1989. – С.31.
7. Дробышева Л.М. Выступление на «круглом столе» // Вопросы философии. М.: 1989. – С.31.
8. Уледов А.К. Духовное обновление общества. – М.: 1990. - С.318.